



Амударё тумани

№ 390

2019 йил “3” сентябрь

**Тумanning айрим хуудларида йул ҳаракати хавфсизлигини
тартибга солиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Йул ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган “Йул ҳаракати қоидалари”га мувофиқ йул транспорт ходисалари юзага келишининг олдини олиш, туман хуудидан утувчи А-380 автомобиль йулидаги автотранспорт воситаларининг йул ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-25-моддаларига асосан:

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туман Ички ишлар бўлимининг йул ҳаракати хавфсизлиги бўлимига 2019 йил 03 августдаги А-380 автомобиль йулидаги автотранспорт воситаларининг йул ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.


2. Амударё туман йуллардан фойдаланиш Унитар корхонасига (У.Полванов) Амударё тумани хуудидан утувчи А-380 автомобиль йулининг 716 – 717 км оралиғида қуйидаги йул белгиларини урнатишга рухсат берилсин:

- 7.2.2 “Таъсир оралиғи”,
- 7.2.4 “Таъсир оралиғи”:

3. Амударё туман Ички ишлар бўлими йул ҳаракати хавфсизлиги бўлимига (Д.Аминов) ҳаракатланувчи транспорт воситаларининг мазкур йул белгисига қатъий риоя қилишини таъминлаш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш вазибалари юклатилсин.

4. Ушбу қарор “Тараққиёт кузгуси” газетасида расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга қиради.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокими уринбосари Ж.Наримов зиммасига юклатилсин.



С.Йуллашев